Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 248 (6885).

22 ДЕКАБРЬ ЖУМА

1978 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажара борниб, кўпчилик энг муҳим буюм турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планини 21 декабрда муддатидан илгари адо этдилар.

Область меҳнаткашлари планга қўшимча равишда 140 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти етказиб беришга астойдил аҳд қилганлар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет, саноат, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, табиат ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш, ёшлар масаласи бўйича, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссиялари киритган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари юзасидан 1979 йил учун қуйидаги ўсиш суръатлари белгилансин:

	Ўсиш (1978 йилга нисбатан процент ҳисобида)
Ҳосил қилинган миллий даромад	4,9
Саноат маҳсулоти — жами	6,5
Шу жумладан:	
Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш	5,8
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	8,7
Давлат капитал маблағлари (Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли хўжалик бўйича)	1,8
Умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти юк оборати	7,8
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда (республика қарамоғидаги хўжалик бўйича)	15,7
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	2,5
Иш ҳақи фонди (республика қарамоғидаги хўжалик бўйича)	6,1
Аҳоли жон бошига ижтимоий истеъмол фондлари	2,8
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборати	7,2
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми	10,4
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	5,8
Куни узайтирилган мактаблардаги (ёки группалардаги) ўқувчилар сони	28,7
Ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	3,6
Шу жумладан, умумий ўрта маълумот ва ҳунар тайёргарлиги берадиган ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	20,8
Ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш	2,9
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига студентлар қабул қилиш	1,8
Касалхоналардаги ўринлар сони	4,7

1979 йилда маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 5.4 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар қурилсин.

3-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат планини амалга ошириш жараёнида социалистик мусобақани авж олдириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш, экономикага раҳбарлик қилиш формалари ва методларини такомиллаштириш, барча ички резервларни сафарбар этиш асосида меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ўстириш ва иш сифатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш ва зарур бўлиб қолган ҳолларда план топшириқларига аниқликлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги доклади маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани бажарилиши юзасидан зарур чоралар кўраётганлиги қайд этиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1978 йилги Давлат плани бажарилишининг бориши хусусида киритган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар томонидан шу ҳақда баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларига амал қилиб, бу йилги ва ўнинчи беш йилликнинг кейинги йилларидаги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 20 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет, саноат, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, табиатни ва ер ости бойликларини қўриқлаш, халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш, ёшлар масаласи бўйича, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар бўйича жами 5.070.303 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотларидан олинадиган даромадлар — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, фойданинг эркин қолдиғи, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар—жами 4559763 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини—саноат, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой-коммунал хўжалигини ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни маблағ билан таъминлашга қилинадиган харажатлар — жами 2133371 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда маориф ва маданиятга оид бошқа тадбирларга; касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга; пенсия ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар—жами 2766698 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини, давлат бошқарув органларини ва судларни таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар—68515 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги республика бюджети, маҳаллий бюджетларга бериладиган 1777777 минг сўм миқдоридаги маблағларни ҳам ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар бўйича 4774465 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

7-модда. 1979 йилда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 2073615 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан:

(минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	183256
Андижон области	151515
Бухоро области	171769
Жиззах области	67920
Қашқадарё области	125810
Наманган области	125972
Самарқанд области	199235
Сурхондарё области	109892
Сирдарё области	66765
Тошкент области	217668
Фарғона области	208584
Хоразм области	89156
Тошкент шаҳри	356073

8-модда. 1979 йилда Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига, областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ажратмалар қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тушумларидан: Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент; Андижон областига — 82,1 процент; Бухоро областига—70,5 процент; Жиззах областига — 98,1 процент; Қашқадарё областига — 71,6 процент; Наманган областига — 78,2 процент; Самарқанд областига — 35,4 процент; Сурхондарё областига — 86,1 процент; Сирдарё областига — 70,7 процент; Тошкент областига — 87,5 процент; Фарғона областига — 65,5 процент; Хоразм областига — 53,2 процент; Тошкент шаҳрига — 23,2 процент;

б) колхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалиги солиғидан, ССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан, ва пул-буюм лотереялари тушумларидан — 100 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент; Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё областларига — 80 процентдан; Жиззах областига — 70 процент; Наманган ва Хоразм областларига — 60 процентдан; Тошкент областига — 50 процент; Андижон, Бухоро ва Самарқанд областларига — 40 процентдан; Фарғона областига — 30 процент; Тошкент шаҳрига — 10 процент;

г) Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти давлат комитетига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштиладиган оборот маблағлари учун фойдадан бюджетга тўланадиган ҳақдан — 100 процент.

1979 йилда республика бюджетидан Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига 15778 минг сўм ажратилсин.

9-модда. 1979 йилда Ўзбекистон ССР республика бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул 34300 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

10-модда. 1979 йилда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари бўйича касса оборотидаги нақд пул 62700 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан:

(минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	5200
Андижон области	5100
Бухоро области	4700
Жиззах области	2200
Қашқадарё области	4200
Наманган области	4000
Самарқанд области	6400
Сурхондарё области	3900
Сирдарё области	2100
Тошкент области	7200
Фарғона области	5900
Хоразм области	3000
Тошкент шаҳри	8800

11-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 5176144 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 5096085 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 80059 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 20 декабрь, Тошкент шаҳри.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги СССР Қонунининг 25- ва 26-моддаларига асосан СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин:

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ

Шибаев Алексей Иванович — СССР Касаба союзларидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ

Круглова Зинаида Михайловна — чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари иттифоқидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Капитонов Иван Васильевич — Маданият ходимлари касаба союзидан.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Ақиева Аннагўзал — Туркманистон ССР маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзидан.

Алимбеков Нақайбек — Қирғизистон ССР Фрунзе шаҳридаги «Киргизавтомаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Врабий Ольга Калиновна — Молдавия ССР Резина районидаги Распопен касалхонаси ходимлари коллективидан.

Ғафуржонов Эргаш Ғафурович — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан.

Гусейнов Исрафил Сами ўғли — Озарбайжон ССР «Нефтяние камни» пармалаш ишлари денгиз бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Дваранаускене Марийона Витовна — Литва ССР Шакяй районидаги Литва Компартиясининг 60 йиллиги номли колхоз аъзолари номидан.

Дзнеладзе Зураб Гивиевич — Грузия ССР Рустави шаҳридаги Рустави металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Епишев Алексей Алексеевич — Армия, Авиация ва Флотга ёрдам берувчи Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти (ДОСААФ)дан.

Загородний Анатолий Николаевич — Иркутск областининг Усть-Кут районидаги 288-қурилиш-монтаж поезди ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Ковалёнок Владимир Васильевич — Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш маркази ходимлари коллективидан.

Круминь Иван Андреевич — Латвия матлубот жамиятлари республика союзидан.

Логунов Анатолий Алексеевич — М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети профессорлари, муаллимлари, студентлари, ишчи ва хизматчиларидан.

Макеев Валентин Николаевич — Москва шаҳар коммунистик ташкилотидан.

Микулич Владимир Андреевич — Минск область коммунистик ташкилотидан.

Нугманов Кабдулла Нугманович — Қозоғистон ССР Кўкчатов областининг Рузаевка районидаги «Валихановский» совхози ишчилари ва хизматчиларидан.

Нурматова Дилбарнисо — Тожикистон ССР Ленинобод областининг Хўжанд районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари номидан.

Пастухов Борис Николаевич — Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан.

Рибакова Галина Илларионовна — Москва областининг Серпухов районидаги «Заокский» совхози ишчи ва хизматчиларидан.

Рютин Петр Фёдорович — Оренбург областининг Первомайский районидаги Степан Разин номли колхоз аъзолари номидан.

Саакян Левон Гургенович — Арманистон ССР Касаба союзларидан.

Соколов Иван Захарович — Украина республика коммунистик ташкилотидан.

Соловьев Юрий Филиппович — Ленинград шаҳар коммунистик ташкилотидан.

Сулейманов Яков Магомед-Алиевич — Дағистон АССРдаги М. Гажиев номли Махачқалъа машинасозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Тепп Тийу Александровна — Эстония ССР Давлат академик опера ва балет театри ижодий ходимлари, ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Чаковский Александр Борисович — СССР Ёзувчилар союзидан.

Шпакова Елена Васильевна — Куйбишев шаҳридаги «Россия» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1978 йил 21 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

21 декабрь куни Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида» доклад қилди.

Олий Совет Қонун лойиҳалари комиссияси раисининг қўшимча доклади тингланди. Бу комиссиянинг раиси депутат **М. Қориев** шу ҳақда доклад қилди.

Бу масала юзасидан музокараларда депутатлардан **А. А. Юриц** (459— Тўрткўл шаҳар сайлов округи), **Н. Бўриҳўжаев** (407 — Тошлоқ сайлов округи), **В. П. Есин** (415— Аввал сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Қонунни ва бу Қонунни кучга киритиш ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилдилар.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан — «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **И. Б. Усмонхўжаев** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **Д. Ҳасанов** (150 — Булоқбоши сайлов округи), **И. Х. Орипов** (43 — Охунбобоев сайлов округи), **М. С. Восикова** (387 — Ёзёвон сайлов округи) қатнашдилар.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунини бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Ҳ. М. Пўлатова** доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонларини бир овоздан тасдиқлади, тегишли қонун ва қарорлар қабул қилди.

Шу билан тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира борниб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1978 йил январь-декабрь ойлари планини 21 декабрда муддатидан илгари бажардилар.

Кўмир ва нефть қазиб чиқариш, прокат, тўқилган пахтани териш механизмлари, йигирув машиналари, пахта толаси, пайпоқлар, ички ва устки трикотаж, мол ёғи, сутга айлантириб ҳисобланганда қаймоғи олинмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш январь-декабрь ойлари планни ошириб бажариладн.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

УРТОҚ Н. Р. РАЖАБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Уртоқ Назир Ражабович Ражабов Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 21 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

Докладчи—План-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари депутат Ш. ЁҚУБОВ

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили тугаб бормоқда. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйиб, совет кишилари зўр завқ-шавқ билан қаҳрамонона меҳнат қилганлиги, партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб борганлиги туфайли экономика ва маданиятни янада ривожлантириш борасида 1978 йил бизга янги ажойиб муваффақиятлар келтирди. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўйилди.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг шу Пленумда ҳар томонлама асосли тарзда сўзлаган ёркин нутқида мамлакат экономикасининг ривожланиши чуқур анализ қилиб берилди, иқтисодий ривожланишнинг тезлик билан ўсиб бораётган омилларидан тобора тўлиқроқ фойдаланиш асосида 1979 йил планини ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш йўллари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига мувофиқ, план-бюджет ва тармоқ комиссиялари, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари комиссияси, ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияси Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларини, шунингдек 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Комиссиялар 1979 йилги план ва бюджет ССР Иттифоқи Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР учун тасдиқланган кўрсаткичлар асосида тузилган ва республикамиз экономикаси ва маданиятини янада ижтимоий-сиёсий ишларга вазифаларига жавоб беради, деб ҳисоблайдилар.

1979 йилда миллий даромад 4,9 процент кўпаяди, саноат маҳсулотининг ўсиши 6,5 процентни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 4,6 процент, чакана товар обороти ҳажми 7,2 процент кўпаяди.

Мана шуларнинг ҳаммаси аҳолининг саноат ва озиқ-овқат молларига бўлган талабини тўлиқроқ қондиришга имкон беради, бюджет даромадларини кўпайтиришга ва пул муомаласини мустаҳкамлашга ёрдам қилади.

Ўзбекистон ССР 1979 йилги Давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатлари 5061313 минг сўм миқдорида белгиланди, бу эса планда мўлжалланган тадбирларни ўтказишни зарур маблағлар билан таъминлайди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга давлат бюджетидан 2.130.886 минг сўм сарфланади. Социал-маданий тадбирлар учун 2.760.029 минг сўм ажратилади. Бу эса 1978 йил планидагидан 205.018 минг сўм ёки 8 процент кўп демакдир.

План ва бюджетни кўриб чиқиш чоғида тайёргарлик комиссиялари ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш резервларини қидириб топишга кўпроқ эътибор бердилар, министрликларга, идораларга, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ўтган йили берилган тавсиялар қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқишга бағишланган махсус мажлислар ўтказдилар.

Комиссиялар мавжуд резервлардан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланилганида, республика халқ хўжалигини ривожлантиришда бундан ҳам каттароқ ютуқлар қўлга киритилган бўлур эди, деб таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб қилган сафарида сўзлаган нутқларида: Давлат плани «...партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасидир. Модомики план қабул қилинган экан, уни ҳеч сўзсиз бажармоқ керак», деб уқтириб айтган эди. Аммо бизнинг республикамизда ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг ҳаммаси ҳам давлат топшириқларининг ва олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаётирлар, деб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг, Пахта* тозалаш саноати министрлигининг, Озиқ-овқат саноати министрлигининг Тайёрлаш министрлигининг айрим корхоналари белгиланган планларни бажармаётирлар. Хивадаги гилам тўқиш комбинати, Косондаги 1-пахта заводи, Қибрайдаги пиво ва алкоголсиз ичимликлар комбинати, Тахиатошдаги нон маҳсулотлари комбинати ва бошқа корхоналар қолоқлар қаторига тушиб қолди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан максимал даражада фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг катта резервларидан биридир. Афсуски, бир қанча саноат корхоналарида қувватларни ўзлаштиришда суст кашлик қилинмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини қониқарсиз ўзлаштираётган бундай корхоналар орасида, жумладан, Самарқандаги суперфосфат заводи, Ангрендаги керамика комбинати, Бухородаги ип газлама комбинати, Қўқондаги хром тери заводи ва бошқа бир қанча корхоналар бор.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини тезлаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ва халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартидир. Бу вазифа республика халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, меҳнат унумдорлигини ошириш планларини бажармаётган ва ҳатто меҳнат унумдорлигининг ўтган йилги даражадан пасайиб кетишига йўл қўяётган корхоналар ҳам бор.

Ўзбекистон ССР Биноқорлик материаллари саноати министрлигига, Пахта тозалаш саноати министрлигига, Озиқ-овқат саноати министрлигига ,Маҳаллий саноат министрлигига ва бошқа министрликларга қарашли бир қанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажаролмадилар, натижада эса 156,7 миллион сўмликдан зиёдроқ саноат маҳсулотини кам бердилар. СССР Нефть саноати министрлиги, Газ саноати министрлиги, Кўмир саноати министрлиги, Йўл қурилиши машинасозлиги министрлиги, Қора металлургия саноати министрлиги корхоналари ҳам меҳнат унумдорлигини ўтган йилдагидан пасайтириб юбордилар. Ана шу камчиликларни тугатиш саноат ишлаб чиқаришини янада кўпайтиришнинг асосий резервларидан бири бўлиб қолиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида қайд қилиб ўтилганидек, капитал қурилишдаги ишларни тубдан яхшилаш энг актуал вазифалардан биридир.

Ўзбекистон қурувчилари 1978 йилда қаттагина ишлар программасини бажардилар. Ўтган 11 ой ичида 2.053 миллион сўмлик асосий фондлар, шу жумладан ишлаб чиқариш учун мўлжалланган 1.542 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Бироқ капитал қурилишдаги камчиликлар ҳали ҳам сусткашлик билан тугатилмоқда ва республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга катта тўсқинлик қилмоқда. Асосий фондларни ишга туширишнинг 11 ойлик плани бажарилмай қолди. Асосий фондларни фойдаланишга топшириш планини 17 процент бажарган Тайёрлаш министрлиги, 25 процент бажарган Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, 18 процент бажарган Соғлиқни сақлаш министрлиги, 29 процент бажарган Савдо министрлиги бу борада анча қолоқликка йўл қўймоқдалар.

Давлат маблағлари ҳисобидан уй-жойларни фойдаланишга топшириш 62 процентни ташкил қилди. Бу соҳада 9 ойлик планни Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё область ижрокомлари бажаролмай қолдилар.

Мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, баъзи бир бошқа социал-маданий объектларни фойдаланишга топширишда ҳам қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Маблағларни айни бир вақтда қурилаётган кўп миқдордаги объектларга сочиб юборишга йўл қўймаслик тўғрисида раҳбар органларнинг чиқарган қарорларини бажаришда ҳам ҳали сусткашлик қилинмоқда.

Комиссиялар республиканинг баъзи министрликлари ва идоралари ўрнатилмаган ускуналарнинг қолдиқларини камайтириш учун зарур чораларни кўрмаётирлар, бир қанча министрликларда эса бундай қолдиқлар ҳатто кўпайиб бормоқда, деб қайд этиб ўтадилар. 1978 йил 1 октябргача бўлган маълумотларга қараганда, масалан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бўйича ўрнатилмай ётган ускуналарнинг қолдиқлари йилнинг бошидагига нисбатан 3,9 миллион сўм миқдорида кўпайиб, 8,8 миллион сўмни, шу жумладан фақат «Ўзптицепром» бўйича 6,7 миллион сўмни ташкил қилган. Енгил саноат министрлиги бўйича қурилиш омборларида 3 миллион сўмдан зиёд ортиқча ва кераксиз ускуналар запаси тўпланиб ётибди.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленумининг қарорларига мувофиқ республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани лойиҳасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини самарадорлигини ошириш, ихтисослаштириш ва концентрациялаш, аграр-саноат интеграциясини янада ривожлантириш йўли билан асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Шунга кўра, келгуси йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти кўпайтирилиб, бу маҳсулот ҳажми 6.273 миллион сўмга етади.

Республика қишлоқ хўжалигини ва сув хўжалигини янада ривожлантиришга бюджетдан жуда катта маблағлар ажратилиб, бу маблағлар 889 миллион сўмни ташкил этади.

Бу вазифалар қишлоқ хўжалик органлари зиммасига ажратилаётган маблағлардан энг самарали фойдаланиш масаласини алоҳида масъулият билан қараш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва айниқса чорвачиликни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чорвачиликни ривожлантиришга катта аҳамият бериб, яқин йиллар ичида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш вазифасини қўйди.

1978 йилнинг 11 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан республикамизда чорва ва паррандалар харид қилиш 7,7 минг тонна, сут харид қилиш 41 минг тонна, тухум харид қилиш 17,5 миллион дона, жун харид қилиш 1,8 минг тонна, қоракўл тери харид қилиш 18,2 минг дона кўпайди.

Лекин кўпгина хўжаликлар маҳсулот етиштириш юзасидан белгиланган план топшириқларини ҳали яхши бажара олмаётирлар, сифат кўрсаткичларини яхшилашда сусткашлик қилмоқдалар.

Чунончи, Бухоро областининг колхозлари гўшт етиштиришни ўтган йилнинг 11 ойидагига нисбатан камайтириб юбордилар. Андижон, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм областларининг колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида тухум етиштириш камайиб кетди.

Қорақалпоғистон АССР ва Самарқанд области хўжаликларида шу йилнинг 1 декабригача бўлган маълумотларга қараганда қорамоллар туёғи ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан бирмунча камайиб кетган.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Боку шаҳрида сўзлаган нутқида шу хусусда бундай деб уқтириб айтган эди: «Чорвачиликда ҳозир ҳар бир фермада хилма-хил ем-хашакларни запас қилиб қўйиш, чорва қишловига ўз вақтида ва яхши тайёргарлик кўриш айниқса муҳимдир».

Афсуски, бу вазифа ҳамма жойда ҳам етарли равишда муваффақиятли ҳал этилаётир, деб бўлмайди. Бир қанча хўжаликларда ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш топшириқлари бажарилмади. Бир қанча хўжаликларда озуқа экинлари экилаётган майдонлар, ҳам экин майдонларининг структурасида бу экинларнинг ҳосилдорлиги ҳали ҳам паст.

Доимий комиссиялар бу йилги план ва бюджетни кўриб чиқиш чоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлган иқтисодий тежашга риоя қилинишига алоҳида аҳамият бердилар. Шуни айтиш керакки, кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари ички резервларни ахтариб топиш ва ишга солиш йўлида қунт билан ишламоқдалар, хом ашёни, материалларни, электроэнергияни тежаш топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар, пул маблағларни тежаб-тергаб сарфламоқдалар.

Аммо баъзи министрликлар ва идораларга ишлаб чиқариш чиқимларининг салмоғи кўпайиб кетганлиги, маҳсулот таннархини пасайтириш топшириқлари бажарилмаётганлиги, хўжасизлик фактларига йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Чунончи, шу йилнинг 10 ойи мобайнида Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналари ишлаб чиқариш чиқимлари бўйича — 7,3 миллион сўмни, «Ўзплодоовощвинпром» 4,1 миллион сўмни ошиқча сарф қилиб юборишга йўл қўйдилар. Натижада баъзи бир ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарида ўз оборот маблағлари камайиб қолди.

КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасаларини ишини янада кенгайтириш ва яхшилаш, социал таъминотни ва социал страхованиени ривожлантириш борасида партия белгилаб берган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида аҳолининг социал-маданий эҳтиёжларига қилинадиган ҳаражатлар 2.760.029 минг сўм миқдорида белгиланган, бу эса бутун бюджетнинг 54,5 процентини ташкил этади.

Комиссиялар социал-маданий тадбирлар учун ажратилаётган маблағлардан ҳамиша ҳам тўла равишда ва унумли фойдаланилмаётганлигини қайд қилиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдилар. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари етарли равишда назорат қилиб турмасликлари сабабли шу йилнинг 9 ойи мобайнида соғлиқни сақлаш тадбирлари учун белгиланган маблағларнинг 74,2 процентигина, маориф тадбирларига ажратилган маблағларнинг 72,5 процентигина фойдаланилган, холос.

Министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағларнинг сарфланишини контроль қилиб боришни кучайтиришлари керак.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат планини кўриб чиқиб, уни тасдиқлашни таклиф қиладилар.

Комиссиялар шунингдек министрликлар ва идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқдилар. Комиссиялар бюджетнинг қўшимча равишда аниқланган даромадлари ҳисобидан уларга бериладиган маблағларни 8.990 минг сўм ҳисобида кўпайтиришни мумкин деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетини айтилган тузатишларни ҳисобга олиб, 5070303 минг сўм миқдорида тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритиладилар.

Комиссиялар Ўзбекистон ССР 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам кўриб чиқдилар. Бюджет даромадлар бўйича 102 процент, аниқланган планга нисбатан ҳаражатлар бўйича 100,4 процент бажарилган. Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 5.176144 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 5.096085 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатларга нисбатан 80.059 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида ҳам таклиф киритилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлигида республикамизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари партия XXV съезди томонидан олға сурилган тарихий вазифаларни бажариш учун 1979 йилда зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА, ШУНИНГДЕК ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат В. О. КОЗИМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқи туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати гоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

Шаҳар меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини барвақт бажариш, бутун иш самарадорлиги ва сифатини социалистик мусобақани кенг авж олдириб, саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари адо этдилар. Ишлаб турган қувватларни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга катта эътибор берилмоқда.

Шаҳарни социал ривожлантириш, шаҳар аҳолисининг фаровонлиги ва маданий даражасини юксалтиришнинг катта программаси амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида 250 мингдан зиёд тошкентлик янги уйларга кўчиб кирди. Метрополитен биринчи линиясининг иккинчи навбати жадал суръатлар билан қурилмоқда. Тошкент кўркамлашмоқда ва ободонлашмоқда. Ҳозир уни ажойиб нобў бинолар ва иншоотлар, кўприк йўллар ва кўприклар, замонавий кенг магистраллар безаб турибди, шаҳарнинг яшил либоси кўпаймоқда.

Шу билан бирга мавжуд ҳамма резервлар ишга солинса, эришган ютуқларимиз яна ҳам сезиларли бўлиши мумкин эди.

Келгуси йили Тошкентда қарийб 900 минг квадрат метр уй-жой, 10 минг ўринли мактаблар, 6600 ўринли болалар боғчалари, янги касалхоналар, савдо-сотиқ, маиший, коммунал объектлар қурилади. Капитал қурилиш планларининг муваффақиятли амалга оширилиши инженерлик коммуникацияларини барпо этиш суръатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги тез суръатлар билан қурилаётган Қорасув ва Сергели уй-жой массивларида қозонхоналарни лойиҳалаш ва қуришни тезлаштиришга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Шаҳримизда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт, сут саноати, маҳаллий саноатнинг кўпгина корхоналари харидоргир саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Аммо республиканинг айрим министрликлари ва идоралари мана шу моллар ва маҳсулотларнинг ташқи кўринишини, ўровини яхшилаш, уларни қадоқланган ҳолда сотишни кўпайтириш тўғрисида қайғурмаяптилар. Халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи министрликлар мана шу масалаларга гоятда жиддий эътибор беришлари керак.

КПСС XXV съездининг ва КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги пленумлари тарихий қарорларидан руҳланган, ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига амал қилган Тошкент меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунлаш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, 1979 йил ва умуман ўнинчи беш йилликнинг юксак марраларини эгаллаш учун яхши имкониятлар яратадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат С. ЖАББОРОВ нутқи

ҒИЖДУВОН РАЙОНИДАГИ ЭНГЕЛЬС НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йилларида Бухоро областининг экономика ва маданияти янада юксалди.

Ғиждувон районида ҳам социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Бу йил рекорд миқдорида пахта ҳосили олган районимизда мусобақа натижалари яққол сезилиб турибди. Ватан 62 минг тоннага яқин «оқ олтин» олди. Унинг 7 минг 700 тоннаси пландан ташқари топширилди. Гектар бошига ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини тайёрлаш планлари ҳам бажарилди.

Колхозимиз меҳнатчилари ўз ваъдаларига вафо қилдилар, мамлакат бизган 12 минг тонна пахта олди. Дон, узум пландагидан бир ярим баравар кўп сотилди, гўшт, сут, тухум, пилла, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш топшириқларини анча ошириб бажарилди.

Колхозимиз меҳнатчилари ипак пахта етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги партия топшириғини бажариб, шу йилнинг ўзида 4 минг тонна шуидай қимматли хом ашё бердилар. Келгусида ипак пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилади. Бу иш давлатга ҳам, бизга ҳам фойдалидир.

Келажакда ҳаммамиз учун ирригация-мелорация ишлари, уй-жой, маданий-маиший қурилиш учун қўшимча капитал маблағга мухтож эканлигимизни айтиб ўтмоқчиман.

Бухоро областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучлари, билимлари ва тажрибаларини ишга соладилар, деб сессия қатнашчиларини ишонтиришга рухсат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Депутат Т. А. АЛИМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Барча совет кишилари қатори Тошкент областининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети ўнинчи сессияси якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган сермазмун ёркин нутқини баланд руҳ билан қутиб олдилар.

Тошкент областининг экономикаси юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Саноатимиз йиллик планни тез кунлар ичида бажаради. Қишлоқ меҳнатчилари мураккаб об-ҳаво шароитларида социалистик мажбуриятларини бажардилар: тайёрлов пунктларига 431 минг тоннадан кўпроқ пахта элтиб берилди. Сабзавоткорлар катта муваффақиятга эришдилар. Давлатга дон, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, пилла, жун сотиш юзасидан ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили учун олинган мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди. Чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини тайёрлаш бултургидан илдамроқ суръатлар билан давом этмоқда.

Шу билан бирга эришилган натижалар ҳозирги кун талабларига тўла-тўкис жавоб бермайди. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни уддалай олмаётган корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар бор.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1979 йилги плани ва бюджети лойиҳаларида XXV съезд қарорларини амалга оширишга оид катта-катта тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, улар ишлаб чиқарувчи кучларни янада юксак суръатлар билан ривожлантиришга, республика, шу жумладан пойтахт — Тошкент областининг ҳам халқ хўжалиги барча тармоқларини юксалтиришга қаратилган.

Шу билан бирга, бизда бир қанча масалалар борки, уларни ҳал этиш учун республика министрликлари ва идораларининг, шунингдек ҳукуматнинг ёрдамига муҳтожмиз.

Баъзи бир министрликлар ва идоралар тасдиқлаб қўйилган планларни йил давомида асоссиз равишда ўзгартириб юбормоқдалар. Ўй-жойларни фойдаланишга топшириш соҳасида заказчилар билан пудратчиларнинг планлари бир-бирига мос келмаслиги ишга халақит бермоқда. Ғишт заводларини реконструкция қилишни жадаллаштириш зарурати туғилган. Қурилиш, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Ўзбекгидрознергострой», «Главташкентстрой» ва «Узглавводстрой» область аҳоли пунктларини ривожлантириш учун ажратилган маблағдан тўлатўкис фойдаланиш тадбирларини кўришлари лозим.

Пойтахт областининг меҳнаткашлари 1979 йилги план ва мажбуриятларни ҳамда умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун бутун кучни ишга соладилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Депутат О. ҲАМРОЕВА нутқи

ҒУЗОР РАЙОНИДАГИ «ХАЛҚОБОД» КОЛХОЗИ ПАРТКОМИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари каби Қашқадарё областининг меҳнатчилари ҳам шу кунларда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми, СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси материалларини зўр эътибор билан ўрганмоқдалар.

Область меҳнаткашлари мамлакат экономикаси ва маданиятини юксалтиришда иборат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Саноат маҳсулотини реализация қилиш 11 ойлик топшириғи анча ошириб бажарилди. Колхозчиларимиз катта муваффақиятларга эришдилар. Беш йилликнинг учинчи йили топшириғидан ташқари 1023 тонна пахта сотилди, унинг ҳосилдорлиги эса 41,1 центнерга етказилди. Тўқимачилик саноатининг энг қимматли хом ашёси — ингичка толали пахта юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилиб, давлатга 88 минг тонна шу нав пахта сотилгани қувончлидир. Донли экинлар ҳосилини тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг уч йили топшириғи бажарилди. Картошка, сабзавот, мева, узум, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ҳам шараф билан бажарилди. Чорва туёғи ва паррандалар кўпайди.

Бугун биз сессияда республикани иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг 1979 йилда ҳал қилинадиган масалаларини муҳокама қиляпмиз. Бу режалар меҳнаткашларнинг модий фаровонлигини яхшилашга қаратилган, шу сабабли уларнинг бажарилиши мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшади, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлайди.

Шу кунларда биз келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш ишларини юксак суръатлар билан олиб боряпмиз. Янги ерларни ўзлаштиряпмиз, ирригация тармоғини тартибга соляпмиз, далаларга маҳаллий ўғитлар чиқаряпмиз, чорва қишловини намунали ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Колхозчиларимиз ва совхоз ишчиларининг зўр ғайрат билан қилаётган бу меҳнати қишлоқ хўжалиги барча тармоқларини янада ривожлантиришга, ўнинчи беш йиллик планларини ва социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришимизга ёрдам беради.

Биз сессия муҳокамасига тақдим этилган республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани лойиҳасини астойдил маъқуллаймиз.

Менга берилган имконият-дан фойдаланиб, Ғузор шаҳрини янада ривожлантиришимизга, ўнинчи беш йиллик планларини ва социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришимизга ёрдам берамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат А. П. ШЕНДРИК нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Беш йилликнинг учинчи йили тугашига саноқли кунлар қолди. Бу йилда партиямиз коммунистик бунёдкорлик суръатларини кучайтириш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш борасида қилган улкан ишларни акс эттирувчи катта аҳамиятга молик воқеалар кўп бўлди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми билан СССР Олий Совети сессиясининг қарорлари ана шундан яққол далолат беради. Барча совет кишилари каби Андижон областининг меҳнаткашлари ҳам партия ва ҳукуматнинг, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинимсиз фаолиятини ялқилик билан маъқуллайдилар.

Область саноат корхоналарининг коллективлари шу беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, саноат маҳсулотларини реализация қилиш юзасидан уч йиллик планни 20 ноябрь да бажардилар. Капитал қурилиш суръатлари ва ҳажми ошди. Область деҳқонлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, давлатга «оқ олтин» сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар. Ватан омборларига 617 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Ғалла тайёрлаш уч йиллик планы бажарилди, сабзавот, хўл мева, узум, қовун-тарвуз, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планлари ошириб адо этилди.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришилган сезиларли ютуқлар билан бир қаторда ишимизда ҳали кўпгина жиддий камчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар бор. Баъзи корхоналар ва қурилиш ташкилотлари энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан план топшириқларини бажаролмаяпти. Маҳсулот ва қурилиш ишлари, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати меҳнаткашларнинг талабларини ҳамиша ҳам қондираяпти, деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигидаги резервлардан, айниқса чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш резервларидан тўла фойдаланмаяпмиз.

1979 йилги давлат плани ва бюджетининг лойиҳалари республикада ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади, ҳамма эҳтиёж ва талабларимизни назарда тутади. Шунинг учун ҳам бу лойиҳаларни бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллаш тўғрисида таклиф киритамиз. Шу билан бирга баъзи бир муҳим масалаларга эътиборни жалб қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА, ШУНИНГДЕК ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Боши иккинчи бетда).

Енгил саноат министрлиги Андижон пойафзал фабрикасини реконструкция қилиш, трикотаж фабрикасини кенгайтириш ишларини тезлаштирмоғи лозим. Қишлоқ қурилиши ва Қишлоқ хўжалиги министрликлари янги совхозларни комплекс қуриш проблемаларини ҳал этишда бизга тегишли ёрдам берадилар, деб ўйлаймиз.

Андижон областининг партия, совет ва хўжалик ташкилотлари, ҳамма меҳнаткашлари янги давлат планини бажариш учун кучларини аямайдилар, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат билан кураш олиб борадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат П. Ж. ХУББИЕВА нутқи

ҚЎШКЎПИР РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИСИ

КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси қарорларини бутун совет халқи билан бирга Хоразм областининг меҳнаткашлари ҳам зўр қувонч билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган сермазмун, ёрқин нутқи бизни меҳнат зафарларига руҳлантиради.

Область меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг доимий ёрдамига таяниб, республика экономикаси ва маданиятини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Саноат корхоналаримиз маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилга нисбатан 10,3 процент кўпайтирдилар. Область пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида давлатга 1 миллион 156 минг тонна пахта сотдилар. Бу йил 275 минг тонна дон етиштирилди, область шоликорлари давлатга пландаги 65 минг тонна ўрнига 67 минг тонна шоли топширдилар, давлатга сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, пилла сотиш топшириқлари оширилди.

Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхозининг мен ишлаб турган Ҳасанбой Оллабергенов бошлиқ бригадаси пахта етиштириш планини 159 процент бажарди. Мен ўзим «Ўзбекистон» маркали машинада 313 тонна пахта тердим. Ҳозир областнинг барча хўжаликларида келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш ишлари қизғин тус олган.

Областда ишлаб чиқариш, маиший, коммунал хизмат объектлари кўплаб қурилмоқда. Бу йил районимизда 20 минг ўринли стадион ишга туширилди, 25 гектар ерни эгаллаган маданият ва истироҳат боғи қурилди. Ўрта мактаб, кўп профилли касалхона бинолари, шунингдек бошқа объектлар қад кўтармоқда.

Областда хутор системасини тугатиш, оилаларни янги типдаги посёлкаларга кўчириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Ҳар йили қишлоқ жойларда сал кам 3 мингта уй қурилмоқда. Аммо бу ишларнинг суръатлари ҳамон орқада қолмоқда. Қишлоқ жойларда тузилган уйжой қуриш кооперативлари бинокорлик материаллари етишмаётганлиги сабабли оз иш бажармоқда, объектлар кўпинча икки-уч йиллаб қурилмоқда. Бинокорлик материаллари сотиш фондларини кўпайтириш керак, шу йўл билан қишлоқдаги қурилишни жадаллаштириш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу сессиясига тақдим этилган республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги планини тўла-тўкис маъқуллайман. **(Қарсаклар).**

Депутат С. ҲАМРОҚУЛОВ нутқи

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида ҳамда СССР Олий Совети сессиясининг материалларида беш йиллик уч йилининг якунлари чуқур партиявий принципиаллик билан анализ қилиб берилган, 1979 йил ва умуман беш йиллик вазифалари белгилаб берилган.

Самарқанд областининг меҳнаткашлари ўниичи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунлаяптилар. Саноат корхоналари саноат маҳсулотини реализация қилиш ўн бир ойлик планини барвақт, 24 ноябрда бажардилар. Капитал қурилиш тез суръатлар билан ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Ватан 543 минг тонна Самарқанд пахтасини олди. Область механизаторлари биринчи бор 360 минг тоннадан зиёд ёки ялпи ҳосилнинг 70 процентга яқинини «зангори кема» бункерларидан тўкдилар.

Планларнинг тўла ва ошириб бажарилиши барча социал-маданий тадбирларни тўла даражада пул билан таъминлаш имконини берди. Аммо бизда эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун фойдаланилмай келаётган резервлар ва имкониятлар кам эмас. Ҳозир йўл қўйилган камчиликларни мумкин қадар тезроқ тузатиш, область экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янгидан янги муваффақиятларга эришиш учун бутун чоралар кўриляпти.

Биз республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани, шунингдек республика бюджети лойиҳасини маъқуллаймиз.

Областда ишлаб чиқарувчи кучлар ва қурилиш индустриясининг янада ривожланиши ҳамда Самарқанд шаҳри чегараларининг кенгайиши муносабати билан капитал қурилиш кўламлари анча ошди. 15-қурилиш трести базасини ва Каттақўрғон шаҳрида янгидан ташкил қилинган 16-қурилиш трести базасини барпо этишни тезлаштириш масаласини кўриб чиқиш ва ҳал этишни, шунингдек уларни зарур техника билан таъминлашни илтимос қиламиз.

Самарқандда суперфосфат заводигача борадиган тролейбус йўлини лойиҳалашни тезлаштиришни, Каттақўрғонда уйсозлик комбинати қуриш масаласини ҳал этишни ҳам сўраймиз. Бизнинг фикримизча, Қишлоқ хўжалиги министрлиги областда чўчқачилик комплексларини қуришга маблағ ажратиш масаласини кўриб чиқмоғи лозим.

Область меҳнаткашлари социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, 1979 йилда область олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, республика ҳукуматини ва депутатларни ишонтиришга руҳсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Е. А. КЛЕМЕНОВ нутқи

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ватанимиз ижодий кучлари гуллаб-яшнаган ҳолда беш йилликнинг тўртинчи йилига қадам қўймоқда. КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқи ҳаммамизда халқимизни Ленин йўлидан комил ишонч билан бошлаб бораётган партиямиз учун зўр ифтихор туйғуларини туғдирди.

Жиззах области ташкил этилганидан буён ўтган беш йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш умумий ҳажми қарийб икки баравар кўпайди. Маҳсулотни реализация қилиш юзасидан шу йилнинг ўн бир ойлик плани 103,2 процент бажарилди.

Ҳозирги вақтда областимиз улкан қурилиш майдонига ўхшайди. 50 та йирик корхона, социал-маданий объектлар барпо этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги интенсив суръатлар билан ривожланмоқда. Уч йил мобайнида колхоз ва совхозларда маҳсулот етиштириш ҳажми 49 процент кўпайди. Область бу йил ғоят оғир келган қишлоқ хўжалиги йилида биринчи марта 300 минг тоннадан зиёд пахта етиштирди. Давлатга пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, гўшт, сут, тухум, жун топшириш планлари муддатидан илгари бажарилди.

Ҳақиқатан ҳам кўп ишлар қилинди. Бироқ бизда ҳали фойдаланилмаган резервлар ҳам кам эмас. Айрим саноат корхоналари тўла қувват билан ишламаяпти. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги ҳали ҳам паст бўлиб қолмоқда, ерга нотўғри муносабатда бўлиш фактлари тугатилган эмас.

Шунга қарамай ҳозирги вақтда областимизда янги ерларни ўзлаштириш ишлари билан «Главсредазирсовхозстрой»нинг бўлинмаларига шуғулланмоқда. Бу бўлинмаларнинг айниқса қўриқ ерда барпо этилган район марказларини ривожлантиришга комплекс ёндашишни тўла даражада амалга оширишга ҳамма вақт ҳам қурби етмаяпти. Область учун муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бир қанча объектларни қуришни жадаллаштиришда республикадаги айрим министрликлар ва идоралар-нинг кўпроқ оперативлик кўрсатиб ишлашини истар эдик. Бу гап аввало Ульяновода ғишт заводи қурилиши тўғрисидаги масала ҳақида боради. Жиззахда сут заводи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар комплекси, пайпоқ фабрикаси, Гагаринда тикувчилик фабрикаси, Ульяновода пойафзал фабрикаси қурилишини жадаллаштириш лозим. Чўлқувварларнинг мебель, электр ва радио моллари, идиш-товоқ сингари товарларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш зарур.

Жиззах областининг меҳнаткашлари 1979 йилги ва умуман беш йиллик планларини бажариш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, СССР Олий Советига ўтказиладиган бўлажак сайловларни меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат М. БОБОХОНОВ нутқи

ТЎРАҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ва Давлат бюджети республикамиз экономикасини янада мустаҳкамлаш ишига шубҳасиз хизмат қилади, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун янги истиқболлар очади.

Наманганликлар ўниичи беш йилликни зарбдор ишлар билан нишонламоқдалар. Халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг ходимлари планларни барвақт бажариб бўлганликлари шундан далолат беради. Районимиз меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Улар беш йилликнинг уч йили топшириғини ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажариб бўлдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 108 процент адо этилди. Пахта, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, гўшт, сут, тухум, жун, пилла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планлари ҳамда социалистик мажбуриятлари анча оширибди бажарилди. Маълумки, районимиз маккажўхоридан 100 центнер ҳосил олиш учун ва беш йиллик топшириқларини уч йилда бажариш учун бошланган социалистик мусобақа ташаббускори бўлган эди. Тўрақўрғонликлар партия билан халққа берган сўзларининг устидан чиқдилар: тектар бошига 109 центнердан маккажўхори дони олинди. Биз пландаги 4100 тонна ўрнига 9400 тонна дон олиб, беш йиллик топшириқни уч йилда бажариб бўлдик.

Шу кунларда район ва область меҳнатчиларининг фикри-зикри келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиб қўйишга, чорва қишловини намунали ўтказишга қаратилган. Районнинг барча хўжаликларида ерлар ҳайдаб бўлинди, бошқа дала ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда.

1979 йилги план ва бюджет лойиҳаларини маъқуллаб гапирган депутатларнинг таклифларига биз ҳам тўла-тўкис қўшиламиз. Шу билан бирга бир қанча таклифларни айтиб ўтмоқчиман. Қишлоқ районларида маҳаллий саноат корхоналари тармоғи кенгайтирилса. йирик саноат корхоналарининг филиаллари барпо этилса мақбул иш бўлур эди. Бу иш қишлоқларимиз қиёфасини тезроқ ўзгартириш имконини берар эди. **(Қарсаклар).**

Депутат В. К. МИХАЙЛОВ нутқи

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети ўниичи сессиясининг якунларини қизғин маъқуллаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун олиб бораётган курашни кучайтирмоқдалар. Саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан олинган социалистик мажбурият муддатидан бир ой илгари бажарилди. Капитал маблағлар ҳажми анча кўпайди. Қишлоқ меҳнатчилари барча қийинчиликларни бартараф қилиб, давлатга 483 минг тонна пахта топширдилар. Бу эса план топшириқларида ва социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидан анча кўп. Область мева ва сабзавот экинлари, гўшт, жун, тухум, пилла ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш йиллик планини ҳам муддатидан олдин бажарди.

Леонид Ильич Брежневнинг ҳосил учун олиб борилган курашнинг энг масъулиятли кунларида эълон қилинган «Ўқириқ» хотиралари китоби жуда катта сафарбар этувчилик аҳамиятига эга бўлди. Бу асар келгусидаги ҳаётимизни акс эттиради, коммунистик қурилишнинг энг мураккаб масалаларини ижодий ҳал этишга ўргатади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш биз учун муҳим масаладир. Область территориясида полиметалл рудалари, тузларининг аниқланган запаслари бор. Биз кон саноати комбинати қурилиши, целистина ва калийли туз қоиларидан саноат учун фойдаланиш масаласини ҳал этишни тезлаштиришни илтимос қиламиз. Кўмир, нефть, газ, пардозлаш материаллари конларини геология-қидириш ишини тезлик билан олиб бориш ғоят муҳимдир. Катта меҳнат ресурслари, айниқса областнинг шимолий районлари қишлоқ аҳолиси ўртасида шундай ресурсларнинг кўплиги маҳаллий саноатни тезроқ ривожлантириш имконини беради.

Шу кунларда областнинг ҳамма жойида 1979 йилги мажбурият ва муқобил планлар ишлаб чиқилмоқда. Бу мажбурият ва планларда меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан ишлаб чиқариш суръатларини анча ошириш, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш кўзда тутилади.

Область далаларида келгуси йил ҳосили учун зарур агротехника тадбирларини ўтказиш ишлари кенг авж олдириб юборилди, чорва молларининг ситилган биноларда тўқ қишловини таъминлаш учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Сурхондарёликлар беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун янада астойдил кураш олиб боришга қатъий аҳд қилишган. **(Қарсаклар).**

Депутат А. Я. СТЕПИН нутқи

ХОВОС СТАНЦИЯСИ ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИНИНГ ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида, СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида зафарларимиз ва режаларимизнинг улуғворлиги алоҳида таъкидланди.

Барча совет кишилари каби областимиз меҳнатчилари ҳам меҳнат аҳлининг фаровонлиги тўғрисида жонажон партия қилаётган оталарча ғамхўрликка зардобор меҳнат билан жавоб беришга интилмоқдалар. Бу йил қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ходимлари учун оғир бўлди. Аммо Сирдарё областининг деҳқонлари об-ҳаво инжиқликларига қарамай кўп миқдорда пахта, дон, шоли, маккажўхори, сабзавот, мева, узум, полиз маҳсулотлари етиштириб, давлатга топширдилар. Гўшт, сут, жун, пилла ва бошқа маҳсулотлар давлатга бултургидан кўпроқ топширилди. Бу йил саноат, транспорт ва алоқа ходимлари муайян муваффақиятларга эришдилар.

Ўниичи беш йилликнинг учинчи йилида Янгиер меҳнатчилари ҳам янги марраларга эришдилар. Саноат маҳсулоти реализация қилиш ўн бир ойлик плани 101,5 процент бажарилди. Қурувчилар муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар. Шаҳар автомобиль хўжалиги ва Ўрта Осиё темир йўлининг Ховос бўлими мажбуриятларни муваффақиятли уддалади.

Шу билан бирга шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг халқ хўжалик планларини ҳамда олинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасидаги ишида айрим камчиликлар бор. Олтита қурилиш—пудрат ташкилоти, бир қанча корхоналар ўн бир ойлик топшириқларини бажармади.

Шаҳримиз тез ўсмоқда. Бироқ, ўсишимиз суръатлари бундан ҳам юқори бўлиши мумкин, деб ўйлаймиз. Чунончи, фосфор заводи, тикувчилик фабрикаси, пахта тозалаш заводи қурилиши суст бормоқда.

Сирдарё областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширадилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Депутат О. ҚУРБОННИЁЗОВ нутқи

ҚЎҒИРОТ РАЙОНИДАГИ ЧАПАЕВ НОМЛИ ШОЛИКОРЛИК СОВХОЗИ ДИРЕКТОРИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида муҳокама қилинаётган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалалари республикамиз учун гоят катта аҳамиятга эга. Бу масалалар Ўзбекистон экономикасини янада мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишнинг кенг истиқболларини очиб беради.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ўниичи беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Автоном республикамиз шоликорлари яхши ишлашди. Улар бу йил ноқулай келган об-ҳаво шароитларининг қийинчиликларини бартараф этдилар. Шоликорларимиз қубанлик ғаллакорларининг қимматли ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, давлатга шоли сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Орол бўйи далаларининг механизаторлари 225 минг тонна «қаҳрабо дон» етиштириб, унинг 190 минг тоннасини давлатга сотдилар. Бу эса энг серҳосил келган 1977 йилда тайёрланганидан 43 минг тонна кўпдир.

Қўнғирот райони далаларининг механизаторлари, шу жумладан Чапаев номли совхоз ишчилари ва инженер-техник ходимлари ҳам меҳнатда эришилган ана шу катта ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўниичи беш йилликнинг охирига бориб, Қорақалпоғистон АССРда шоли етиштиришни анча кўпайтириш мўлжалланган. Биз республикамизда янги ерларни ўзлаштириш, ана шу майдонларга сув чиқариш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан зарур маблағ ажратишни илтимос қиламиз.

Биз шаҳарларни, район марказларини ва посёлкаларни ободонлаштириш, шунингдек халқ маорифи бинолари ва муассасаларини ремонт ва реконструкция қилиш учун қўшимча маблағ ажратилишини сўраймиз.

Қорақалпоғистон автоном республикаси меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқлари муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдилар деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, Ўзбекистон ССР Олий Советини ва республика ҳукуматини ишонтиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Т. Н. ЗАРЕЧНЕВА нутқи

ФАРҒОНА ШАҲАР ТУҒРУҚХОНА БИРЛАШМАСИНИНГ ВРАЧИ

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва унинг Давлат бюджети муҳокамасида қатнашиш катта шараф ва масъулиятдир. Аввало бу ҳужжатлар меҳнат аҳли тўғрисидаги, унинг келажаги, сиҳат-саломатлиги ҳақидаги зўр ғамхўрлик руҳи билан суғорилганлигини айтиб ўтмоқчиман.

Фарғона области аҳолисига медицина хизматини яхшилаш масалалари доимо партия, совет ва хўжалик органларининг диққат марказида туриби. Бу масалалар область партия комитети пленумларида ва бюро мажлисларида, партия активи йиғилишларида, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессияларида батафсил муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, ўниичи беш йиллик бошланганидан бери 1000 ўринлик 14 та медицина объекти ишга туширилди. Улар орасида иккита туғруқхона, болалар бўлимлари, поликлиникалар, даволаш корпуслари бор. 2500 ўринлик санкизга касалхона ва уларнинг ёнида кунига минг беморни қабул қиладиган поликлиникалар қурилиши давом этмоқда. Маҳаллий Советлар, саноат корхоналари, совхозлар, колхозлар ва бошқа ташкилотлар даволаш-профилактика муассасалари қурилишига тобора кўпроқ маблағ ажратмоқдалар. Медицина кадрларини танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Фарғона областида соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган тадбирларга қарамай, айниқса қишлоқ жойлардаги даволаш муассасалари бир қисмининг фаолияти ҳамон замонавий талаблардан орқада қолмоқда, бу эса ўз навбатида медицина ёрдамининг ҳажми ва сифатига таъсир қилмоқда.

Областда кўп профилли болалар касалхонаси қуриш зарурати пишиб етилган. Фарғонада устн ёпиқ сузиш бассейни барпо этиш керак.

Фарғона областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди улуғвор режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч, ақл-идрок, ғайратларини сарфлайдилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматини ишонтирадилар. **(Қарсаклар).**

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРИ ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ ВА ОБОДОНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат Т. Н. ОСЕТРОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги пленумлари тарихий қарорларини бажара бориб, ўниичи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли тугалламоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган ёрқин нутқи уларнинг ижодий ташаббускорлиги ва меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди.

Мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг 1979 йилга мўлжалланган ҳамда СССР Олий Советининг сессияси тасдиқлаган Давлат плани ва Давлат бюджетини бутун совет халқи баланд руҳ билан кутиб олди. Келгуси йилда Ўзбекистон ССР учун ҳам нақадар катта истиқбол очилишини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Республикамизни янада ривожлантириш программаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленумида кўриб чиқилиб маъқулланди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессиясида тасдиқланган 1979 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш Давлат плани ҳамда Давлат бюджетида баён этиб берилди. Бу план билан бюджет беш йиллик планга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Саноат 1978 йилги Давлат топшириқларини муддатидан илгари бажараётганлиги, капитал қурилиш кўлами ўсиб бораётганлиги, бу йилги ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитларида 5 миллион 510 минг тонна пахта етиштириб, давлатга топширган Ўзбекистон дала механизаторларининг қаҳрамонлиги республика механизаторларини беш йиллик тўртинчи йилини янги катта зафарлар билан нишонлашларига, ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажаришларига ишонч бахш этади.

Ривожланган социализм, қулф урган фан-техника революцияси, халқ маданиятининг муттасил ўсиши шароитида шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг санитария ҳолати ҳамда ободончилиги масалалари жуда катта аҳамият касб этади.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссияларини КПСС XXV съезди қарорларига ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, шу йил октябрь ойининг охирларида «Ўзбекистон ССРда шаҳарларнинг санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги қонунларнинг талабларига қандай риоя этилаётганлиги тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар. Комиссиялар шуни таъкидладиларки, Ўзбекистон ССР совет ва хўжалик органлари партия ташкилотлари раҳбарлигида санитария-эпидемия вазиятини яхшилаш, шу ҳақдаги қонунларнинг талабларига риоя этилишини контроль қилиш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Аҳолининг тез кўпайиши, саноатнинг жадал ривожи, шу муносабат билан шаҳарлар ҳам анча кўпайиши Ўзбекистонининг ўзига хос хусусиятидир.

Ўниичи беш йилликнинг охирида республикадаги шаҳарлар сони икки баравардан зиёд кўпайиб, 90 тага етди. Энди уларда сал кам 6 миллион киши истиқомат қилмоқда.

Иккинчи томондан, иссиқ иқлим шароитлари ва шаҳарларда нообод эски уй-жой фондининг анчагина қисми ҳамон мавжудлиги аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига доимий эътибор берилишини талаб қилади.

Шу боисдан ҳам мазкур масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, шунингдек маҳаллий партия — совет органлари томонидан мунтазам равишда кўриб чиқилмоқда ва доимий назорат қилинмоқда. Ўзбекистон ССРнинг сув кодекси, Ўзбекистон ССРнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон ССРнинг ўрмон кодекси, Ўзбекистон ССРнинг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонуни сингари бир қанча давлат ҳужжатлари ҳамда республика Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг шу масалаларга доир қарорлари мазкур проблемаларни ҳал этишга қаратилган.

(Давоми тўртинчи бетда).

* Доклад қисқартириб эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРИ ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ ВА ОБОДОНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошн учинчи бетда).

Собитқадамлик билан ўтказилган катта ишлар натижасида Ўзбекистон ССРда канализация, марказлашган ичитиш, иссиқ сув таъминоти ва газлаштириш сингари коммунал хизмат турлари аслида янгидан ташкил этилди. Кейинги 15 йил мобайнида коммунал хўжалик объектлари қурилишига бир миллиард 220 миллион сўм сарфланди.

Республика қишлоқларида коммунал хизматнинг янги шакли вужудга келтирилди. Бу хўжаликни планлаштириш, пул билан таъминлаш ва унга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Узплодоовошчвинпром», ва «Главсредазирсовхозстрой» зиммасига юклатилган. Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги капитал ва жорий ремонт юзасидан бош пудратчи қилиб белгиланган. Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида ва барча область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари ташкил этилган.

Сифатли ичимлик сув билан таъминлаш инсон соғлиғини муҳофаза қилишнинг, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари санитария ҳолати яхшилигининг энг муҳим омилидир. Ҳозирги вақтда шаҳарда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига бир кеча-кундузда 492 литр, шу жумладан ичиш ва коммунал маиший эҳтиёжлар учун 403 литр сув берилмоқда. 1965 йилда атиги 26 шаҳарда водопроводлар мавжуд эди. 1978 йилнинг бошларида 87 шаҳар ва 71 шаҳар типидаги посёлка марказлаштирилган сув билан таъминланди. Шу беш йилликда 1300 километр узунликда водопровод тармоқлари ва ҳар кеча-кундузи 1 миллион куб литргача сув бера оладиган сув манбалари қуриш кўзда тутилган.

Шу билан бирга бир қанча шаҳар ва посёлкаларда аҳолининг водопровод сувн билан таъминланиши хали ҳам паст даражада турибди.

Сувдан тежаб-тергаб, эҳтиёт қилиб фойдаланиш сув таъминотини яхшилаш учун жуда катта имкониятлар беради. Анализ шуни кўрсатадики, тармоққа берилган сувнинг 10 процентгача қисми тамба арматураси, санитария-техника приборлари мукаммал эмаслиги ва уларнинг ёмон ишлатилиши, шунингдек сиртқи тармоқларда сувнинг оқиб ётиши оқибатида канализацияга бефойда тушиб кетибди. Ёз фаслида водопровод сувининг 15 процентгача бўлган қисми суғориш учун ишлатилмоқда.

Ҳамма жойда ҳам водопровод суви талаб ва сифатга жавоб беради деб бўлмайди. Сув тозалаш технологияси кўплаб бузилиши, сув тақсимлаш тармоғининг ҳолати қониқарсиз эканлиги бунинг асосий сабабидир.

Шаҳарларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва сув манбаларини муҳофаза қилиш канализация системасининг ҳолати билан узвий равишда боғланган.

Кейинги 15 йил ичида 33 та шаҳарда канализация қурилди. Шу беш йилликнинг атиги икки йили ичида ҳар кеча-кундузда 420 минг куб метр сув ўтказадиган тозалаш иншоотлари ва 130 километр узунликдаги тармоқ ишга туширилди. 1980 йилга қадар Гулистон, Жиззах, Қарши, Каттақўрғон, Ленинск шаҳарларидаги канализация қуриб битказилади ҳамда Тошкент, Олмалиқ ва бошқа шаҳарлардаги мавжуд тозалаш иншоотлари кенгайтирилади.

Республикада ювинди сувларни тозалаш технологиясини такомиллаштириш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ҳамма янги иншоотлар ювинди сувни биологик жиҳатдан тозалаш цикли билан бирга лойиҳалаштирилмоқда ва қурилмоқда. Ювинди сувлар чўкиндисини аэроб бактериялар ёрдамида ачитиш методи билан қайта ишлашдан иборат илғор технология жорий этилмоқда.

Шу билан бирга объектларни ишга туширш юзасидан белгиланган план бажарилмаяпти, чунончи, Гулистон, Жиззахдаги канализация 10 йилдан бери, Қарши шаҳридаги тозалаш иншоотлари 1972 йилдан бери қурилмоқда, Ленинск, Каттақўрғондаги шундай иншоотлар, Хива шаҳридаги ювинди сувни сўриб олиш станцияси қурилиши ҳаддан ташқари суст олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг қарорига биноан, 28 министрлик ва идораларнинг корхоналари шу беш йиллик давомида сув таъминоти, канализация ва иссиқлик объектлари қурилишига 169 миллион сўмга яқин улуш қўшишлари лозим, аслида эса уч йил мобайнида атиги 15,8 миллион сўм ёки 10 процентдан ҳам кам маблағ бердилар. Шу вақт ичида 13 министрлик билан идора эса мазкур объектлар қурилишига ҳеч қандай ҳисса қўшмади. Улар орасида химия ва микробиология саноати, қора металлургия ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари бор. Бир қанча фабрика ва заводлар саноатдан чиққан ювинди сувларни олдиндан зарур даражада тозаламай шаҳар канализациясига ва сув хавзаларига ҳамон оқизиб юбормоқдалар.

Саноатнинг ўсиши, шаҳарларнинг ривожланиши ва қишлоқ хўжалигининг химиялаштирилиши муносабати билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида катта ва мураккаб проблема вужудга келмоқда.

Республикада бу соҳадаги иш атроф-муҳитнинг ҳолатини узоқ муддатли прогноз ва обзор қилиш асосида, илмфан маълумотларини ҳисобга олиб ташкил этилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг регионал проблемалари ва биосферани муҳофаза қилиш» илмий кенгаши бу ишларни мувофиқлаштириб турадиган марказ деб белгиланган. Шу беш йилликда табиатни муҳофаза қилиш комплекс планини амалга оширишга 353 миллион сўм ажратилган. Бу планнинг амалга оширилиши саноатдан чиққан ифлос сувнинг оқизилишини йилига 60 миллион куб метр миқдорида қисқартириш, тозаланадиган сув миқдорини эса 370 миллион куб метр миқдорида кўпайтириш имконини берди. Ўтган йилнинг ўзида 50 та тозалаш иншоотн ишга туширилди, атмосферага чиқариладиган моддаларни тозаловчи 190 та қурилма ўрнатилди. Табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган 280 тадан ортиқ объект битай деб қолди.

Кўрилган чоралар натижасида шаҳарлардаги ҳавонинг ифлосланиши 1972 йилга нисбатан 1,5—2 баравар камайди. Ер усти ва ер ости сувларининг ҳамда тупроқнинг ҳолати бирмунча яхшиланганлиги аниқланди.

Шу билан бирга атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳали ҳам юқори. Биноқорлик материаллари, пахта тозалаш, химия, енгил саноат, микробиология саноати, энергетика, қурилиш, қора ва рангли металлургия, транспорт корхоналари самарали муҳофаза асбоб-ускуналари билан яхши таъминланмаган. Мавжуд асбоб-ускуналардан эса яхши фойдаланилмаяпти. Шу корхоналарнинг раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш масалаларига етарли эътибор беришмаяпти, тозалаш иншоотлари бўлмаган объектларнинг ишга туширилишига йўл қўймоқдалар. Автомобиль саноати министрлиги ҳамда автомобиль хўжалигига эга бўлган бошқа ташкилотлар ишида ҳал этилмаган масалалар кўп. чунки автомашиналардан чиқадиган газ ҳаво ҳавзаси ифлосланишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолди.

Турли заҳарли химикатларни ташиш, асраш ва қишлоқ хўжалигида ишлатиш қоидаларига риоя қилинмаяпти, баъзан бу соҳадаги ҳамма инструкциялар бузилмоқда. Бундай аҳволнинг рўй бериши аввало Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш министрликларининг, «Госкомсельхозтехника», «Узплодоовошчвинпром» ва «Главсредазирсовхозстрой» органлари томонидан хавфсизлик чораларига қаттиқ риоя этилиши устидан контроль бўшаштириб юборилганлигининг натижасидир.

Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш учун анча илғор биология методларини қўлланиш масалалари суст ҳал этилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган капитал маблағларни ўзлаштириш иши иттифоқ қарамоғидаги баъзи бир корхоналарда, шунингдек республика Пахта тозалаш, Озиқовқат саноати министрликларининг ва бошқа министрликларнинг корхоналарида айниқса кўнгилдагидек эмас.

Министрликлар ва идораларнинг, корхоналарнинг раҳбарлари бу ишга муносабатни ўзгартиришлари ҳамда партия билан ҳукуматнинг қарорлари оғишмай бажарилишини таъминлашлари керак. Маҳаллий совет органлари табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши учун корхоналар, ташкилотлар, совхозлар раҳбарлари ва колхозлар правленияларининг масъулиятини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўришлари лозим.

Республикамизда шаҳарлар ва посёлкаларни санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этиш, кўчалар, майдонлар, ҳовлиларни, колхоз бозорларини, саноат корхоналарининг территорияларини, вокзалларни ва бошқа жамоат жойларини озода сақлаш юзасидан яхши тажриба орттирилган. Шаҳарлар ва аҳоли пунктлари санитария тозалигининг бош схемалари бунга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Ҳозир 214 та ихтисослаштирилган автобаза рўзғор чиқитларини тўплаш ва ташиб олиб кетиш билан шуғулланмоқда, уларнинг ихтиёрида уч мингтадан ортиқ автомашина бор. Кўпчилик шаҳарларда илтимосноманинг кутмай муддатларда ўтказилиши системаси муваффақиятли жорий этилмоқда. 14 та йирик шаҳарда санитария жиҳатидан тозалайдиган типовой базалар қуриш кўзда тутилган. Тошкент, Самарқанд, Термизда ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай базалар ишлаб турибди. Андижон, Наманган ва Фарғонада эса қурилмоқда.

Тошкентда 1977 йилда 400 минг куб метр рўзғор чиқитларини қайта ишлай оладиган тажриба заводи ишга туширилди. Заводни ишлатиш тажрибаси унинг юксак даражада самарали эканлигидан далолат беради. Госплан, Коммунал хўжалик министрлиги бошқа область марказларида ҳам ана шундай заводлар қуриш учун маблағ қидириб топишга ҳаракат қилишлари зарур.

Республикамизда март—апрель ойларида санитария жиҳатидан тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш одат тусига кириб қолди. Шу ойлик давомида катта ҳажмдаги хилма-хил ишлар бажарилмоқда. Партия органлари ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари шундай кампанияларни ўтказилишини аниқ планлаштирмоқдалар ва уларни моҳирона мувофиқлаштириб турибдилар. Тошкент, Бухоро, Наманган, Навоий ва Ангрен шаҳарларида икки ойликлар кенг кўламда ўтказилмоқда.

Шаҳарларимиз ва аҳоли пунктларимизнинг яшил либоси атроф муҳитни соғломлаштириш ва кўча шовқинини камайтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Кейинги йилларда кўкаламзорлар анча кўпайиб, олти минг гектардан ошди ёки ҳар бир киши ҳисобига тахминан 10 квадрат метрга етди. Республикада жами майдони сал кам 1800 гектар келадиган 272 та маданият ва истироҳат боғи бор. Коммунал хўжалик системасида 18 та кўкат хўжалиги комбинати ва 6 та кўчатзор ташкил этилган. Очиқ ерда ва ёпиқ гулхоналарда кўп миқдорда хилма-хил гуллар етиштирилмоқда, гулзор ва гулхоналар майдони йил сайин кенгайтирилмоқда.

Ободончилик ишларига сарфланадиган маблағ ҳам йил сайин кўпаймоқда. Тўқкизинчи беш йиллик ва ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида шу мақсадлар учун 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шаҳарлардаги, аҳоли пунктларидаги озодалик сиҳат-саломатлик гаровигина бўлиб қолмай, шу билан бирга эпидемиялар чиқишининг ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш воситаси ҳам эканлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Ободончилик ва санитария ҳолати соҳасидаги ишни энг яхши ўтказганлик учун шаҳарлар ва районларнинг одат тусига кирган социалистик мусобақаси яхши натижалар бермоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети бу мусобақани мунтазам равишда якунлаб турибдилар.

Айни вақтда шаҳар ва район ташкилотларининг айрим раҳбарлари аҳоли пунктларининг ободончилиги ва санитария ҳолатини яхшилаш вазифаларининг муҳимлигига эътибор бермаяптилар. Уларни ҳал этишга етарли масъулият билан қарамаяптилар, ички хўжалик резервларидан, меҳнат коллективларининг ва аҳолининг ташаббусидан яхши фойдаланмаяптилар.

Ҳали коммунал хўжалик муассасаларининг моддий базаси етарли эмас, махсус машиналар ва механизмларнинг профилактика ремонти мунтазам равишда ўтказилмаяпти. Санитария-тозалаш муассасаларининг махсус автобазалари асосан бир амаллаб мосланган биноларда жойлаштирилган, янги автобазалар қурилиши жуда суст бормоқда, бир қанча шаҳарларда бу иш ҳали бошланғани йўқ. Фаррошларнинг штатлари тўлиқ эмас.

Кўпчилик ҳолларда ирригация тармоғи кўкатларни суғориш учун зарур миқдорда сув бермаяпти. Ёз фаслида суғориладиган сув билан таъминлаш даражаси 50 процентга тушиб қолмоқда. Кўкат хўжалиги комбинатлари манзарали нав кўкатларнинг кўчатларига бўлган эҳтиёжни тўла-тўкис қондирмаяпти. Гулхона ва кўчатзорлар кам.

Партиямиз билан давлатимизнинг шаҳарсозлик соҳасидаги сиёсати совет кишиларининг меҳнат қилиши, яшаши ва дам олиши учун, уларнинг ҳар томонлама интеллектуал ва жисмоний камолоти учун энг қулай шароитларни яратиб қўйишга қаратилган.

Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини лойиҳалаш ҳамда қуришда бу масалаларга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда 25 та шаҳарни қуришнинг бош планларига янги шаҳарсозлик талаблари ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқ тузатишлар киритилмоқда. Қурилиш планларини ишлаб чиқишда «Шаҳар муҳитини соғломлаштириш тадбирлари» деган бўлим киритилмоқда, районларни планлаштириш схемаларини ишлаб чиқишда эса «Табиий муҳитни муҳофаза қилиш» бўлими жорий этилмоқда. Социалистик шаҳарнинг асосий замонавий талабларига деярли тўла-тўкис мувофиқ келадиган Тошкент, Навоий, Зарафшон намунали планлаштириш ва қуриш тимсоли бўлиб қолди.

Аммо бир қанча шаҳарларда раҳбар органларнинг шаҳарлар ичида санитария—иҳота зоналари, янги парклар ва истироҳат зоналари барпо этиш, зарур санитария—соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш соҳасидаги қарорлари ҳамда бош планларнинг бу соҳадаги асосий қоидалари қониқарсиз бажарилмоқда. Ўзбекистон ССР «Госстрой»и бош планларнинг амалга оширилиши учун талабчанликни ва архитектура—қурилиш контроллигини бўшаштириб юборди, ўзбошимчалик билан қабул қилинган қарорларга қўшилиб келмоқда, бу масалаларда лозим даражада принципиаллик қилмаяпти.

Госплан, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари атроф муҳит учун зарарли чиқитлар чиқарадиган корхоналар технологиясини такомиллаштириш, уларни шаҳар ташқарисига кўчириш, санитария— иҳота зоналарини барпо этиш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Давлат санитария назорати органлари ва муассасалари корхоналар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг эпидемияга қарши санитария тадбирларининг ўтказилиши ҳамда санитария—гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан контроллик қилиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Санитария-эпидемиология муассасаларини бошқариш ва пул билан таъминлаш марказлаштирилганлиги уларнинг ишига ижобий таъсир қилди.

Милициянинг санитария назорати бўлинмалари ва халқ депутатлари Советларининг маъмурий комиссиялари шаҳарларнинг санитария ҳолати устидан ҳамда қонунларга риоя қилиниши устидан актив назорат ўрнатганлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг олимлари соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг талабларини бажаришга муайян ҳисса қўшмоқдалар. Санитария маорифи шаҳар уйлари ва кабинетлари, «Билим» ва Қизил ярим ой жамиятлари, шунингдек кино, радио, телевидение ва матбуот орқали санитария ҳамда гигиена қоидалари кенг миқёсда пропаганда қилинмоқда.

Санитария-соғломлаштириш тадбирлари комплекслари амалга оширилиши ва санитария-профилактика иши кучайтирилиши натижасида кейинги 10 йил мобайнида қатгиқ ошқозон-ичак юқумли касалликлари билан оғриш республикада умуман 1,6 баравар камайди.

Шу билан бирга жойлардаги давлат санитария назорати органлари аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария жиҳатидан ободончилиги, табиий муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик масалаларини ҳал этишда ҳамиша ҳам изчиллик ва принципиаллик қилаётганлари йўқ.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети атроф муҳитнинг ҳолатини контроль қилиш вазифаси зиммасига юклатилган министрликлар ва идоралар рўйхатини белгилаб қўйдилар. Ўзбекистон ССРда контроллик вазифалари Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Гидрометеорология хизмати бошқармаси, республика «Госстрой»и ҳамда Химия машинасозлиги министрлигининг газ тозалаш инспекцияси зиммасига юклатилган.

Афсуски, бу министрликлар ва идоралар ташқи муҳитни муҳофаза қилиш устидан, водопроводлар, тозалаш иншоотлари, канализациянинг ишлатилиши, коммунал-маиший хизмат объектлари устидан контролликни кучайтириш тўғрисидаги қонунларга қаттиқ риоя этилиши учун кескин чоралар кўрмаяптилар. Баъзан улар саноат ва граждан қурилиши объектларининг санитария талабларига риоя этилмай қурилган бўлишига қарамай, уларни қабул қилишда кўнгилчанликка йўл қўймоқдалар, кўпдан-кўп шартлар қўйиш, жарималар солиш билан чекланмоқдалар ва қонунни, санитария нормалари ва қоидаларини қўпол равишда бузаётган мансабдор шахсларга доир ишларни тергов органларига камдан-кам топширмоқдалар, партия ва совет органларини, шунингдек тегишли министрликларни шулар ҳақида ўз вақтида хабардор қилмаяптилар.

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини янада яхшилаш ва уларни ободонлаштириш ўмумхалқ ишидир, чунки жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим нарса—совет кишисининг сиҳат-саломатлиги ва омон-эсонлиги кўп жиҳатдан бу ишнинг қандай қўйилишига боғлиқ бўлади.

Бу масаланинг мазкур сессияда муҳокама этилиши халқ депутатлари Советларининг, министрликлар ва идораларнинг бу соҳадаги фаолиятини кучайтиришга, партиямиз XXV съезди томонидан ўртага қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига кўмаклашади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРИ ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ ВА ОБОДОНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАД БЎЙИЧА МУЗОКАРАЛАР

Депутат Э. АШУРОВ нутқи

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» БИРЛАШМАСИНИНГ РАИСИ

Беш йилликнинг уч йилида колхоз қишлоқларида умумий саҳни 635 минг квадрат метрга борадиган саккиз ярим мингтадан ортиқ уй-жойлар, 406 та болалар боғчалари ва ясслари, 4 минг ўринли қасалхоналар ва 31 та поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди, 1762 километр магистрал ва посёлка водопроводлари, икки минг километрдан зиёд қаттиқ қопламали йўллар, кўпдан-кўп посёлка ичи ирригация системалари қурилди.

Кейинги йилларда қурилаётган маданий-маиший объектлар ва айниқса уй-жойлар зарур коммунал қулайликлар билан таъминланмоқда. Булар аввало водопровод, душхона ва ваннахона, суюлтирилган ёки табиий газ, мустақил сув иситиш қозонлари бўлган марказий иситиш системасидир. Колхоз посёлкалари асосан яхлит квартираллар қилиб қурилмоқда, кўчалари ободонлаштирилиб, суғориш учун ариқлар очиб қўйилмоқда.

Ерни тежаш, колхозлараро қурилиш индустрияси объектларини қуришда, механизациялашган кўчма колонналаримизнинг таянч базаларини жойлаштиришда ўнча қулай бўлмаган ва деҳқончиликка кам яроқли ерлардан фойдаланиш лойиҳа ечимларини танлашда қўйилаётган энг муҳим талабларимиздан бири бўлмоқда.

Бизда маълум қийинчиликлар ҳам бор. Қишлоқ водопроводлари учун қувур етишмаслиги ана шу қийинчиликлардан биридир. Бизнингча, деҳқончилик ерларини суғориш ва сув билан таъминлаш учун пармаланган қудуқлардан ичимлик сув манбалари сифатида фойдаланиш мақбул бўлур эди. Албатта, шу қудуқлар ана шу мақсадга яроқли бўлган тақдирда шундай қилинади. Қудуқлар суғориш учун йилига уч ойдан сал кўпроқ вақт ишлайди, қолган пайтларда эса махсус ётқизилган қувур-ариқлар орқали уларнинг сувини яқин атрофлардаги посёлкаларга бериш мумкин. Қишлоқлардаги аҳоли пунктларида ривожланган ирригация тармоқларини қуриш керак, албатта. Бу анчагина ичимлик сувни тежашга имкон беради ва посёлкаларнинг умумий санитария аҳволига ғоятда самарали таъсир кўрсатади. Буюртмачилар, қурувчилар бу ишларни ҳали асосий ишлар қаторига қўшмаяптилар, кўпинча эса уларни бажармай, гўёки, маблағ тежаб қолмоқдалар. Бизнинг қурувчиларимиз ва буюртмачиларимиз, айниқса маҳаллий Советлар квартал ва посёлкалар ландшафтига, кўкаламзорлаштиришга жиддий эътибор беришлари керак.

Республика Олий Совети ва маҳаллий Советлар кўраётган тадбирлар шаҳар ва қишлоқларимизнинг санитария ҳолатини янада яхшилашга хизмат қилажагига шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Депутат Д. ЮСУПОВ нутқи

ПАСТДАРҒОМ РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ

Республика шаҳар ва қишлоқларини янада обод қилиш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги масала Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида муҳокама қилиниқоқда. Бу масаланинг муҳокама этилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этди ва у халқ депутатлари маҳаллий Советларининг кундалик фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Партия ва ҳукуматнинг катта ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда республикамиз шаҳар ва қишлоқлари ўз қиёфасини сезиларли даражада ўзгартирди, уларнинг ободонлиги яхшиланди. Уни Самарқанд областимиз мисолида кўриш мумкин. Бугунги кунда ҳар бир шаҳар, ҳар бир район маркази, поселка ва қишлоқ жуда катта қурилиш майдонига ўхшайди. Самарқанд шаҳри, кўпгина район, колхоз ва совхозларнинг марказлари қиёфасида катта ўзгаришлар рўй берди. Қурилишлар асосан бош план асосида олиб борилмоқда, кўпгина социал-маданий ва маиший объектлар барпо этилмоқда.

Энг яхши ободонлаштирилган шаҳарлар ва район марказларн учун область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети таъсис этган конкурс яхши натижалар бермоқда. Бу конкурснинг якунлари квартал сайин чиқарилиб турилади.

Колхозимиз райондагина эмас, шу билан бирга областда ҳам энг мўл ҳосил етиштираётган хўжаликлардан биридир. Колхозимиз даромадлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бизда бош план асосида колхоз маркази буйёд этилмоқда. Кўпгина оилалар кичик хуторлардан янги барпо этилган Янгиобод поселкасига кўчиб ўтдилар. Бу поселкада телефонлаштириш, электрлаштириш масалалари тўла-тўкис ҳал этилмоқда. Колхозда иккита мактаб, учта магазин, иккита болалар боғчаси, алоқа уйи, клуб, кутубхона, кинотеатр, ҳаммом ва сартарошхона қуриліб, фойдаланишга топширилди.

Поселкани ободонлаштириш ва унинг санитария ҳолатини яхшилаш масалалари правлениемиз фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда. Биз йўллар, йўлкалар четига мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазмоқдамиз, уй-жойлар ва маданий-маиший биноларг атрофида гулзорлар барпо этмоқдамиз, уларни меҳр билан парвариш қилмоқдамиз.

Камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Колхоз поселкасини газлаштириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш иши 1974 йилдаёқ тугалланганига қарамай, уй-жойларимиз ҳозиргача газлаштирилгани йўқ. Республика Главгази бу ишни планга киритиб, колхоз поселкасини газлаштиришга киришади, деб умид қиламиз.

Колхозимиз деҳқонлари партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари тўғрисидаги доимий ғамхўрлигига жавобан янада зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар. Биз КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида бундан буён ҳам янгиданянги муваффақиятларга эришиш учун ҳаракат қиламиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Қ. С. ЗОИРОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида республикадаги шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларнинг санитария аҳволини ва ободончилигини яхшилаш масаласининг муҳокама этилаётганлиги партиямиз ва Совет давлатимизнинг халқ бахт-саодати ҳақида, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ва уларнинг маданий турмуш даражасини янада юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Халқ депутатлари Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд областлари ва Тошкент, Ангрен, Навоий, Зарафшон шаҳар Советлари ижроия комитетлари шаҳарларнинг ва аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш соҳасида актив иш олиб бориш намуналарини кўрсатмоқдалар. Атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш планини амалга оширишда министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари, республиканинг бутун аҳолиси қатнашмоқда. Санитария — эпидемиология ва гидрометеорология хизмати бўлимлари атмосфера ҳавосининг муҳофаза этилишини кузатиб турибдилар. Аммо бир қанча шаҳарлар ҳавосининг саноат чиқитлари билан ифлосланишига йўл қўймаслик соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш керак.

Санитария — эпидемиология хизмати ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш, давлат санитария назорати олдига қўйиладиган талабларни кучайтириш ва эпидемияга қарши кўриладиган тадбирлар самарадорлигини ошириш — табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза этиш вазифаларини ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР мамлакатимизда санитария — эпидемия хизматини бошқариш ва уни пул билан таъминлашни марказлаштириш соҳасида биринчи бўлиб ташаббус кўрсатди. Ҳозирги пайтда қурилаётган объектларнинг деярли ҳаммасида санитария назорати тадбирлари амалга оширилмоқда. Сув ҳавзаларини корхоналар ва уй-жойлардан чиқадиган оқова сувлар билан булғанишдан муҳофаза қилиш соҳасида анча ишлар бажарилмоқда. Бизнинг республикамиз санитария милициясининг махсус бўлинмаларини ташкил этишнинг ташаббускори бўлди. Бу бўлинмалар давлат санитария назорати органлари билан маҳкам алоқа боғлаб, шаҳарларда ва қишлоқ пунктларида санитария тартиб — қоидаларига риоя қилинишида актив қатнашмоқдалар, сув омборларини муҳофаза этиш ва сув ҳақидаги қонунларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатмоқдалар.

Аммо биз эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қола олмаймиз. Бизнинг ишимизда катта камчиликлар ҳам бор.

Сизларни ишонтириб айтаманки, республика медицина жамоатчилиги, соғлиқни сақлаш ва санитария — гигиена хизмати органлари ҳамда муассасалари атроф муҳитни муҳофаза этиш соҳасидаги вазифаларни бажариш учун бутун куч-ғайрат ва билимларини сарфлайдилар.

(Қарсаклар).

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ— ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон, учинчи устун —мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм	—	153,0
Наманган	1,0	110,1
ҚҚАССР	—	105,6
Андижон	1,7	92,3
Тошкент	6,2	81,2
Бухоро	3,0	77,0
Фарғона	3,9	69,3
Жиззах	1,1	62,9
Сирдарё	2,2	58,8
Қашқадарё	2,5	50,4
Самарқанд	2,4	49,2
Сурхондарё	1,8	34,5
Республика бўйича:	3,6	70,3

ХРОНИКА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети ўртоқ Ҳаким Муҳиддинович Носиров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри вазифасидан озод қилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р. 03823. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Д—2550.